

Шайхнинг кароматлари Жўжи кулогига чалинган, хали Урганжга юриш бошламасидан олдинок унинг сеҳрларидан хабар топган эди. Дарёни терс окизармиш, девларни жиловлай олармиш, ўзганинг кўлидаги ёпиг китобни бетма-бет ўқирмиш кабилидаги гапларни авом таркатган деб бирда ишонса, бирда ишонмас, аммо буюк Хоконнинг ман-ман деган шаманлари шайхнинг илмига тан беришларини кўриб дилидаги гумон ўрнини ишонч эгаллай бошлаган эди. Урганж камали бошланиб, унинг дарвозаларига якин йўлаш мушуқлигини ва капъа девори устида хар гал шайх пайдо бўлганида черик беихтиёр оркага серпилишини ўз кўзлари билан кўргач, бу ишонч дилига тагинда махкамрок ўрнашди.

Камал роппа-роса етти ой давом этди. Чигирткадек бесанок, кўшин ёрдамга келгачгина калъа дарвозаси емирилиб, жанг шахар ичкарасига — махалла-майдонларга кўчди. Хар битта махалланинг олиниши битта катъани эгаллашдан хам мушуқлрок кечганини кўрганида Жўжи тагин шайхнинг каромати хакида ўйга толди. Каромат деганда у инсон ботинидаги хайбатнинг зохирига кўчиб, одамларни мутаасир этишини тушунар, хоразмликларнинг енгилмаслигини эса ана шу хайбат уларнинг жой-жонига сингдирилганида деб биларди. Гўё хар бир урганжликнинг юрагига шайх хайбати жо бўлгандай, шу хайбат уни арслонга айлантиргандай эди. Кани энди Жўжининг кўлида хам шундай бир шайх бўлсаю, у хар бир мўгулнинг калбига арслон хайбати ва журъатини жойлаб берса...

Урганж деярлик таслим этилиб, кўшин Нажмиддин Кубро хонакосига якинлашиб бораётган хозирги аснода бу орзу Жўжи калбини тагин эгаллаб олди. Вакт борида шайхга одам юбориб, агар у рози бўлса, бошини омон саклаб қолишни ният этди.

Аммо Жўжининг нияти унинг укаси Чигатойга ёкмади.

— Шайх бизга асло эл бўлмас, — деди у тундлик билан. — Онинг бошин кесмок лозим.

— Бошдан бошнинг фарки бордур, — деди Жўжи кизишиб, — шайхнинг боши эртан бизга аскатар.

Чигатой бари бир ўз айтганида туриб олди.

Бундан бир ойча мукаддам хам ака-уканинг орасида гап кочган, Жўжи канча аврамасин, Чигатой сўзидан кайтмаган эди. Унда бахсга Чигатойнинг жаҳди, тўгонни бузиб, Урганжни сувга бостириш васвасаси сабаб бўлган эди.

— Факат шул йўл билангина бу кайсар калъани таслим айламок ва жазоламок мумкин. — Чигатойнинг охирги узил-кесил сўзи шу бўлди.

— Йўк, деди Жўжи. — Урганжни асло сувга бостирмагайман, менга хароба эмас, балки бой ва сулув калъа даркор.

Жўжининг бундай дейиши бесабаб эмас эди, юриш олдидан Чингизхон унга Урганжни таслим эт, у сеники бўлур, деган эди. Жўжи ўша кундан бошлаб довруги етти иклимга кетган давлатли ва савлатли калъага эгалик қилишни орзу этарди, ахир. Чигатой бўлса...

Ака-ука ўртасидаги бахсни охир-окибат Чингиз ўзи хал килди.

— Урганжни Жўжи хам эмас, Чигатой хам эмас, балки кенжа ўғлим таслим этур, — деди у ва шохзода Ўктойни хос кўшин билан Урганж устига йўллади.

Натижа Жўжи ўйлаганидек бўлиб чикди, калъани остин-устун килмай кўлга киритишмоқда, буни отасининг акли ва Ўктойнинг уддабурронлигидан деб биларди у. Хозирги бахсни хам Ўктой тўгри ечади деган умидда унинг кўзларига бокди Жўжи.

Ўктой амр этди.

— Шайхга одам юборинг, ул зот оёк остида қолиб кетмасун, кайга истар, онга кетсун. Жўжининг юзи ёришди. Зимдан Чигатойга кўз ташлади. Унинг ялпок бурни тагинда ичга ботгандай эди. Бу пайтда хазрати шайх Нажмиддин Кубро очик айвонда ёлгиз ўлтирганча огир ўйга толмиш эди. Саваш кетаётган гузар ва майдонлардан касир-кусур товушлар, отларнинг безовта кишнашлари, наъра ва фиғон, адам ва армонга, вахшат ва нафратга тўла нолалар эшитилиб турарди. Бу конли нидолар шайхнинг дил яраларини тирнаш баробарида сўнги мудхиш воқеаларни эслатиб, хаёлини узокларга олиб кетар эди. Шу асно шайх узок ўлтирди. Махзун хаёллар қаърида дафъатан бошдан-оёк ок-оппок кийинган, ок соқоли кўксини коплаган нуроний сиймо тагин юз кўрсатди. Худди бундан олти ойча муқаддам бўлганидек хозир ҳам унинг мулокот истаётгани мунгли юз-кўзларидан очик-равшан кўриниб турарди.

Ўшанда, биринчи мулокот пайтида у (Хўжаи Хизр) салтанат таназзулига ишорат айлаган, бунга сабаб тарзида мамлакатда содир этилган сахв-гунохларни, бузукликларни шайхнинг кўзларига бир-бир кўрсатиб берган эди. Ахли мусулмоннинг бир-бирини киришлари, саройдаги фиску фасод, уруг-аймоқлар ўртасидаги кон тўкишлар, Чингизхоннинг хийла-найрангларида эси огаёзган Хоразмшоҳнинг кетма-кет сахв-хатолари оқибатида тожу тахтда рўй берган парокандалик худди кўзгудагидек аник-тиник кўринган, салтанатдан омад кетганига ишорат этилган эди-да.

Мўгуллар калъага бостириб кирган, ёшу кексани бир ёқдан қонига белаётган хозирги аснода Хўжаи Хизр тагин пайдо бўлиб, шайхга дедиким, муридларингга шахардан чиқиб кетмоқликка изн берган эдинг, аммоки, кетганлардан қолганлар кўп бўлди, энди олар шахидлик либосларин кийгайлар.

Кўп изтироб булутлари орасида кёза-кёза муқоаба холатидан чиқиб олган шайхи қабир беихтиёр осмонга кўз ташлади. Шундоқ эдики, муқоабадан сўнг шайхнинг илк назарига тушганлар тенгсиз қуч-қудрат қасб этмай қолмас, иложсизга илож, ишончсизга ишонч энмогига шубҳа бўлмасди. Бу гал шайхнинг назари саъвага тушди.

Саъвани бир қарчиғай шиддат билан қувиб борар, ора дақиқа сайин қискариб, қочаётганининг мадори қуриётгани ва қуваётганининг жаҳдига жаҳд қўшилаётгани шайхга аён бўлиб турар эди. Шайх қолдан тойган саъвага назар солганлари асно манзара ўзгарди, аввалинда иккита қуш ўртасидаги оратик очилиб, саъва ўз қабидан узоклаша бошлади, сўнгра шахд билан орқасига ўгирилди-да, дафъатан қарчиғай устига бостириб қелаверди. Унинг қабтига дош беролмаган қарчиғай орқасига қайрилиб қочабошлади.

Саъва уни бир зумда қувиб етди-да, қарб билан қанотига қанг солди. Кўп ўтмай қарчиғайнинг қанотлари қайрилди. Саъва унинг кеқирдагига огиз солиб, бўйнидан омбурдай қисганча пастга ўқдай отилди ва кўз очиб-юмгунча айвон тепасига қелиб қонидан жудо бўлган қарчиғайни шайхнинг оёқлари остига ташлади. Эркин-эркин қилқиниб олди-да, яна юқорилаб кетабошлади.

Айюн олдидаги қовуз бўйида бу холатни шайхнинг бир қисм муридлари қузатиб ўлтирган эди, яхшиликка йўйиб, муридга таъзим бажо этгани айвонга қиришмоқчи бўлиб турганларида мўгул элқиси қелаётганидан қабар топишди. Шайхни бундан огох этдилар. Қал фурсатдан сўнг шайх ва элқи бир-бирига рўбарў бўлишди.

Нажмиддин Кубро ўз холати ва қийимларини ўзгартиришга улгурган, гўё дорилмон қамону шайх хозир қомеъ масжидига қориб ваъз айтадигандай вазмин ва қурвикор қиёфада ўлтирар, ориқдан қелган, қотма, эчқисоқол элқи эса бундан таажжубга тушганини қилинқирмасликка уринса-да, ижирганганини яшироқмай тажанг қолда

шайхдан уч кадамча нарида тик турар, оркасида ўз коровуллари тарок тишларидек бир текис тизилишган эди. Сассик тер хиди шайхнинг димогига урилар экан, кўнгли айний бошлаганини яшириб, хўш, нима демокчисан, дегандай унга кўз кирини ташлади.

— Буюк шахзода истаюрки, шайх оёк остида колмасун, — гап бошлади бўгик овозда элчи, — дедиким, шайх айтсун, неки ихтиёр айлар, бажо этилур.

Таажжуб, ёгий калъа ахлини молдай сўйсаю унинг шайхига «мархамат» кўрсатишга журъат айласа, халк бошкаю шайх бошка, деб ўйларми, бу нокаслар?!

Шайхнинг юзида истехзо пайдо бўлди. Лекин саволга яраша жавоби дегандай босикпик билан элчига юзланди.

— Мен бир ўзум эмасман, шерикларим бордур.

«Мархамат»ни шайх бажонидил кабул килади, деб ўйлаган шекилли, элчи ўйланиб колди ва боши котиб хўжайинлари олдига жўнади.

Муридлар устозга савол назари билан бокдилар. Уларнинг кўнглидан нималар кечаётганини хазрат кўриб-англаб турарди. Муридларнинг кунглида савол хозиргина айтилган «шерикларим бордур», деган сўздан тугилганини, буни турлича англаш, элчининг таклифига кўйилган шарт деб хам, айна пайтда раддия деб хам тушуниш мумкин эди.

Уларни аросатга солгувчи бошка бир жихат йўк эмасди. Бундан бир ойча мукаддам, Урганжни ортик химоялашнинг мушкуллиги аён бўлиб колгач, шайх турли калъа ва кентлардан келиб ўз хузурида муким макон тутган муридларига шахарни тарк этишга изн берган, улар эса учкур отни хозирлаб, устозни олиб кетиш тадоригини кўришган, пири муршид бу таклифни катъиян рад айлаган эди. Устознинг бир сўзлилигини билсалар-да элчига берилган жавобдан муридлар бироз таажжубга тушган эдилар. Уларнинг кўнглини аник кўриб турган шайх на бир сўз дер, на ботинидагини зохирига чикарар эди. Сукут то элчи иккинчи бор келгунигача давом этди. Муридлар унинг кайтиб келиши хакида ўйлаб кўрмаганлари юз-кўзларидага таажжубдан сезилиб турарди. Муршиди аъзам бўлса элчининг такрор келиши, нима дейишини олдиндан билгани сабаб сўзла, дегандай унга синчков назар ташлади. Элчи деди:

— Шахзода маълум этадурларким, юз кишингизни олиб истаган томонга равона бўлгайсиз.

Шайх юзида тагин факат муридларгагина аён бўлган истехзо кўринди. Улар билдиларки, хазрат таклифни рад айлагай. Аммо улар ўйлагандай бўлиб чикмади. Муршид яна элчини гангитиб кўйди.

— Юз киши дерсиз. Одамларим ондин кўпдур.

Элчи тагин оркасига кайтиб кетишга мажбур бўлди. Орадан кўп ўтмай кайтиб келди-да:

— Хўп, минг кишини ёнингизга олинг, — деди гўё катта илтифот кўрсатгандай керилиб. Эrsa шайх деди:

— Йўк, мен юртимни, халкимни ташлаб хеч каён кетмасмен. Яхши-ёмон кунида бирга бўлган халким ила бир томчи коним колгунича бирга бўлурмен! Шу ватанда тугилибмиз, шу ватанда ўлурмиз!

Бу гапдан, табиийки, элчи газабга минди ва хонакохдан ўкдай отилиб чикиб кетди.

Муридлар хазратнинг ниятини энди аник билдилар ва бир куни асқатар деб тогдан келтириб кўйилган тошларни, ярогларни кўлга олабердилар.

Хазрат бу пайтда етмиш беш ёшда эди, лекин гўч йигитлардай ўрнидан даст туриб, камарни белга махкам боглади.

— Азизларим, — деди муридларига, кариндош-уруглари, ёри-биродарларига катъият

билан, — аёнки, ёгий сўзун кабул айлаб, ватандин чикиб кетар бўлсак, жонимиз омон колгай ва бегона элларда бўлса-да ўзумизга яраша мартаба топгай эрдик. Аммо ватансиз мартаба мартаба, юртсиз хаётдин хаёт бўлгайми?! Магарам ўз элимизда колур эсак, ёгийга хизмат елкамизга тушмай колмагай. Бизим елкамиз тогни кўтарур, аммо бу иснодни кўтара билмас. Ўз юртингда ўзгага тобе бўлуб яшагандин ўлган яхшидур!

Муридлару хешу акраболар жавоб бердилар:

— Ул хаётдин ўлим афзалдур, хивз-ул ватан, мин ал-иймон! Ватанни мухофаза айламоклик иймон белгисидур, деган юкоридаги ахду паймон хазрат ўзи асос солган Кубравия тарикатининг асл магзи эди, барчаси унга содик колди, кўплар саваш майдонида шахид кетдилар, колганлар, мана, ўлимни бўйинларига олиб, жангга кирмокликка изн кутиб турмокдалар.

Уларнинг шиддатларини кўриб шайхнинг кўнглидан бир фикр кечди. Кани Хоразмшоҳда, онинг атрофидагиларда ҳам шундай иймон, эътикод бўлсайди, аъёнлар бир-бирларининг тагига сув куйиш ўрнига ёгий илдизларин куритмокликка жаҳд айласалар, Жалолиддин Мангубердига имдод килсалар эрди, ватан бундок кунфа-якун, халк бундок хору забўн бўлмас, билъакс, ёгийга сичконнинг ини минг танга бўлгай эрди! Жалолиддинни ўйлар экан, шайхнинг кўнглига ишонч тўлкини инди: Иншооллох, Жалолиддин Мангуберди ёгийнинг додини бергай, жасур авлодлар ватанни даги озод ва обод айлагайлар!

Шу ўй билан хазрат ўз дилига тугиб кўйган ниятини амалга оширишга киришди. Ичкари кириб саросимада ўлтирган аёллар холидан хабар олди, мўлтираб турган болаларнинг бошларини силади. Водариг, хадемай бу фаришталарнинг-да бошларида янгок чакурлар, кай бирларини катл айлаб, кай бирларининг кўл-оёқларига куллик занжирларини богламок бўлурлар. Аммо ёгий англамаски, оларнинг карияларидин тортиб норасидасигача бош эгиб яшамокликдин тик туриб ўлмокликни афзал билурлар! Валитарош ўз дийдасида халкаланган ёшни жигарпораларидан яширди, аёлларнинг курблари бунга етмади, улар кўзларидан дув-дув ёш тўкиб, хазрат этагини сўнги бор пешоналарига суртдилар. Кўрдиларки, унинг кўйинлари ва хамёнларида ҳам тошлар бўртиб турадур.

...Шайхнинг узил-кесил жавобидан кейин Ўктой ва Чигатойлар шайх энди ўзидан кўрсин деб отга минаверишди. Жўжи ҳам ноилож узангига оёк кўйди.

Шайх хонакохга камалиб олди, копуларни бузамиз, деб ўйлашган эди. Бирок ўзлари томон килич ялангочлаб келаётган бир кисм отликларни кўриб, бу шайх ва унинг одамлари эканлигини сезишди.

Ора тобора кискариб, кирк-эллик чоғли отлик юзлаган кўшин домига тушаётган аснода яна бир мўъжиза Жўжи калбини ларзага солди. Осмони фалакда лак-лак кушлар пайдо бўлиб, майдон узра уввос солганча тинмай чарх урабошлади. Мўгуллар шунча жанг килиб бундай холга дуч келишмагани сабаб хайратланиб кўкка ўк узабошладилар. Лекин ўклар кушларга етиб бормас, ора-чира борганлари ҳам нишонга тегмас эди.

Икки томон бир-бирига якинлашиб колди. Киличбозликка чоғланган мўгуллар дафъатан тош бўронига дуч келдилар. Тошнинг бундай зарб билан отилишини умрида кўрмаган мўгуллар саросимага тушиб бирин-кетин отдан кулай бошлади.

Чийиллаган кушлар кўшин устига тобора якинлашиб келар, тўп-тўп отликларга чанг солмокчи бўлар, канотларидан чиккан товушлар ўк ва килич сасларига, отларнинг хайкиригига кўшилиб, дахшатли садога айланар эди.

Жўжининг кўзи ўнг канотда шиддат билан килич сермаётган ёши улуг суворийга тушиб

колди, викоридан билдики, шайх ўша. Ўша! У гўёки забардаст йигитга менгзаб наъра тортар, ўнг кўлида килич ўйнаса, сўл кўли билан кўйнидан тош олиб тинмай ракибига отар, киличи мўлжалга, тоши нишонга тегмай колмас эди. Жўжининг кўнглида бирдан бу шайх жоду билан кўшиннинг кўзини боглаб кўйган деган хаёл келди. Келдию хайрати нафратга, кизикиши газабга айланди. Хос черигини унинг устига ташлади.

Камон ўкининг захми ва килич зарбидан охири шайх кулади, кулаётиб мўгул тугчиси кўлидаги байрокка чанг солди, унинг бир парчасини йиртиб — узиб олди.

Сўнгги нафасда кўкка назар ташлаган шайхи кабир ўз боши узра чарх ураётган сонсиз-саноксиз кушларни кўрди, уларнинг орасида хали ўз назари тушган кушни, карчигайни кийратган саъвани илгаб олди, гўё ўша битта саъва юзтага, мингтага айланган, уларга лочинлару бургутлар кўшилиб, дунёдаги жами кушларга садо бераётгандай, бари канот сохибларини ўз сафларига чорлаётгандай эди. Шайхнинг кўзларида сўнгги бор умид учкунлари йилтиради.

Мўгул шахзодалар Нажмиддин Кубро жасади устида пайдо бўлдилар. Унинг панжасидаги туг парчасини олишга буйрук бердилар. Жаллодлар канча уринмасинлар, уни олабилмадилар. Шайх бармоқларини кесгачгина узук-юлук нимталарни йигиштириб олодилар. Бу энди байрок эмас эди...

Кушлар юкорилаб кетабошлади. Гала-гала, айланиб-айланиб учабошлади. Сўнгра галалар бирлашиб, кўк юзини коплаб олди. Кутилмаганда ёмгир куя бошлади. Бу хакикатан хам ёмгирми ёки кўкда чарх ураётган кушларнинг кўз ёшларими ёхуд ок кушлар тимсолида мангубердилар кўксидан отилган касос ёгинларими, мўгуллар фаркига бормади.